



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**БУЙРУҚ**

2019 йил “10” *Апрел* № *01-287*

Тошкент ш.

**Тошкент давлат шарқшунослик институтида**  
**“Олий таълим муассасасининг энг**  
**яхши педагоги” танловининг биринчи босқичини**  
**ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танлови тўғрисидаги Низомни тақдирлаш ҳақида”ги 32-сон қарорига мувофиқ ўтказилган “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” республика танлови ғолибларининг касбий ютуқлари; ўқув-методик; илмий-тадқиқот; маънавий-маърифий йўналишлардаги эришган ютуқлари ҳамда педагогик маҳоратини оммалаштириш ҳамда 2017 йил институт профессор-ўқитувчилари орасида “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танловини юқори савияда ташкил этиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

**1. Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.Воҳидов, Ўқув-услугув бўлим бошлиғи С.Умарова, факультетлар деканлари: Қ.Омонов, С.Ҳошимова, Ш.Усманова, З.Қодиров, Ч.Хусанов ва кафедралар мудирларига:**

1.1. “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танлови тўғрисида Низом” талабларига мувофиқ танловнинг факультет кесимидаги биринчи босқичи 2019 йил 10 апрелдан 30 апрелга қадар ўтказилсин.

1.2. Барча кафедраларда “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танлови тўғрисидаги Низом талабларидан келиб чиқиб, “Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог”, “Энг яхши педагог-тадқиқотчи”, “Инновация ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши педагог” номинациялар бўйича номзодлар рўйхати аниқлансин. Бунда мазкур кафедрада камида 3 йил тўлиқ ставка асосида фаолият юритаётган, ёши, илмий даражаси ва унвонидан қатъий назар, бакалаврият ёки магистратура таълим дастурлари бўйича маъруза, семинар ёки амалий машғулотлари олиб бораётган, танловда иштирок этиш учун ушбу Низом талабларига мувофиқ ҳужжатлар топширган педагоглар иштирок этишлари мумкинлиги белгилаб қўйилсин.

1.3. Институтда таълим олиб бориладиган “Гуманитар фанлар” ҳамда “Иқтисод” таълим соҳалари бўйича танловнинг ўтказилиши учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш, ҳужжатларни вақтида расмийлаштириб бориш, ташкилий гуруҳлар, апелляция ҳайъатлари, келишилган ҳолдаги ҳолисона баҳолаш

тартибини жорий этиш, жараён бўйича алоҳида масъулларни ажратиш вазифалари амалга оширилсин.

2. Низом талабларига мувофиқ институт бўйича танловнинг биринчи босқич ғолибларини аниқлаш мақсадида куйидаги таркибда танлов комиссияси ташкил этилсин:

1. А.Маннонов – ректор (раис)
2. А.Воҳидов – Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор (раис ўринбосари)
3. Н.Абдуллаев – Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
4. С.Умарова – Ўқув-услубий бўлим бошлиғи
5. К.Омонов – Шарқ филологияси факультети декани
6. З.Қодиров – Тарих ва фалсафа факультети декани
7. С.Ҳошимова – Хитойшунослик факультети декани
8. Ш.Усмонова – Корёяшунослик факультети декани
9. Ч.Хусанов – Касаба кўмитаси раиси, Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва сиёсати факультети декани.

3. Танловнинг институт босқичида белгиланган номинациялар бўйича ғолиб деб топилган танлов иштирокчилари моддий рағбатлантириш учун тавсия этилсин ва мазкур номзодлар ҳақидаги маълумотлар ва уларнинг ҳужжатлари белгиланган тартибда 2019 йил 1 июнига қадар республика босқичи ғолибларини аниқлайдиган Ташкилий кўмига тақдим этилсин.

4. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.Воҳидов зиммасига юклатилсин.

Ректор



А.Маннонов